

ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Президентимиз ва Ҳукуратимиз томонидан Ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузини ошириш, уни асраш ва янада бойитишга алоҳида эътибор берилган барчамизни қувонтирмакда. 2020 йил 10 апрель куни мамлакатимиз раҳбари “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга имзо чекди. Унга кўра, ушбу байрам ҳар йили 21 октябрда, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган тарихий кунда нишонланадиган бўлди. Юртимиздаги ҳар бир ташкилот, ўзини шу юрт тақдирига даҳлдор, деб билган ҳар бир инсон тилимиз нуфузи, обрў-эътибори учун курашмоғи шарт. Унинг келажакда янада юксалиши ўзимизга боғлиқ. Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбек тили байрами кунини катта тантаналар билан нишонланмоқда. Жумладан Фурқат туманида ҳам тил байрамига бағишланган турли маданий-маърифий кечалар, учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Бугун, 19 октябрь куни 12-сонли Муסיқа ва санъат мактабида Ўзбек тили байрами кунига бағишланган тантанали байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда Фурқат тумани ҳоқими Жаҳонгир Жуманов иштирок этиб, йиғилганларни ва барча юртдошларимизни Ўзбек тили байрами кунини билан табриклаб, миллатимиз ғурури бўлган ўзбек тилимизнинг нуфузини янада ошириш, ватанимизни янада тараққий эттириш йўлидаги фаолиятида муваффақиятлар тилади. Тадбирда туман Маданият бўлими ходимлари, Муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан байрамга бағишланган адабий-муסיқий дастур намойиш этилди. Ёш истеъдод эгалари томонидан тилимизни улугловчи шеърлар ўқилди. Тадбир давомида дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилининг тарихи, она тилимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар тўғрисида маълумотлар берилди. Навоий, Фузулий сингари мумтоз адабиётимиз намоянадалари ғазалларига басталанган кўшиқлар, жозибали рақслар тадбирга ўзгача шукуҳ баҳш этди. Анжуман сўнгида туман ҳоқимининг ўринбосари Шерзод Валиев сўзга чиқиб, ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузини янада ошириш борасидаги вазифалар ҳақида гапириб, бундай тадбирлар барча ташкилотларда, мактабларда давом эттирилишини таъкидлади.

Ёқубжон ИСАҚОВ, туман ҳоқимининг маслаҳатчиси.









2021-10-21 08:49:41